

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

---

“АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” кафедраси



«ИҚТИСОДИЁТДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ»  
ФАНИДАН ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ ВА УЛАРНИ  
БАЖАРИШ УЧУН

МЕТОДИК КЎРСАТМА

Тошкент - 2007

Ушбу методик кўрсатма институт илмий - услубий кенгашининг 2007 йил 7 июль бўлиб ўтган 9 - сонли мажлисида кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсия этилди.

Ушбу услубий кўрсатмада мавжуд амалий дастур пакетларининг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда иқтисодий масалалар, топшириқлар ва уларни бажариш бўйича кўрсатмалар берилган бўлиб, “Иқтисодиётда ахборот технологиялари” фани бўйича бакалавриятнинг 5340900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган.

**Тузувчилар:** Г.Шодмонова, иқтисод фанлари номзоди, доцент  
Х.Х.Каримова, катта ўқитувчи  
Ш.Х.Жусипова, ассистент

**Тақризчилар:** Ш.Назиров, ТАТУ, «Дастурлаш технологиялари»  
кафедраси мудири, ф-м.ф.д., профессор.  
Ш.Эргашева, доцент.

## КИРИШ

Замонавий компьютер технологияларини ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кенг жорий этиш учун давлат муассасалари ва хўжалик субъектлари, ташкилотлар, олий таълим муассасалари ва хусусий шахслар учун ахборот тизимларини шакллантиришга кўмаклашиш, республиканинг жаҳон ахборот тизимлари ва халқаро тармоқларга уланишини таъминлаш, келажаги буюк давлатни куриш учун билимли мутахассисларни етиштириб чиқиш зарурдир.

Мазкур методик кўрсатма замонавий ахборот технологиялари бўйича иқтисодиёт соҳасида таълим олаётган талабалар билимини ошириш билан бирга бу билимларини амалиётга тадбиқ этишга хизмат қилади. Microsoft Office (Word, Excel, Access) дастурининг замонавий версиялари, локал ва глобал тармоқлар – Internet, E-mail алоқа хизмати, 1С: Предприятие амалий дастур пакетларининг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда иқтисодий масалалар, топшириқлар ва уларни бажариш бўйича кўрсатмалар берилган.